QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil «19» октябрь №ПҚ–379

Узлуксиз таълим тизимида психологик хизмат соҳасини илмий асосда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Таълим тизимида инсон капитали сифатини ошириш, ёшларнинг психологик фаровонлигини таъминлаш, психологик хизматнинг илмий, услубий ва ташкилий асосларини тубдан такомиллаштириш, соҳада фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим ташкилотларида психологик қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини ҳамда мазкур йўналишда ягона илмий асосланган ёндашувларни жорий этиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) таълим олувчиларнинг баркамол шахс сифатида шаклланиши, индивидуал психологик хусусиятлари, шахсий имкониятлари ва қобилиятларини намоён этишлари учун ҳамроҳлик қилиш тизимини жорий этиш;

(б) таълим ташкилотларида психологик хизмат кўрсатишни амалий жиҳатдан такомиллаштириш ҳамда педагог ва тарбиячиларнинг касбий эмоционал ҳолати ва руҳий чарчаш омилларини ўрганиш тизимини яратиш;

(в) психология соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш, уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этишда ягона ёндашувни жорий этиш.

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

II. Таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини такомиллаштириш

2. Низомий Ганжавий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетининг Психология ўқув-илмий маркази негизида психология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таянч муассаса ҳисобланувчи **Психология илмий-тадқиқот институти** (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этилсин ҳамда Таълим ва илм-фан вазирлиги бўйсунувига ўтказилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра барча таълим ташкилотларининг педагог (тарбиячи) ва ўқувчилари (тарбияланувчилари, талабалари) (кейинги ўринларда – педагог ва ўқувчилар) **бир ўқув йилида камида бир маротаба мақсадли психологик диагностикадан ўтказилади**. Бунда ушбу тизим:

(а) биринчи босқичда – 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб **мактабгача ва умумий ўрта таълим** ташкилотларида;

(б) иккинчи босқичда – 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб **ўрта махсус, касбий ва олий таълим** ташкилотларида жорий этилади.

4. Белгилансинки, таълим ташкилотларида психологик диагностика қуйидаги тартибда ташкил этилади:

(а) Институт томонидан халқаро стандартлар асосида педагог ва ўқувчиларнинг ёш тоифаси ва (ёки) фаолият хусусияти бўйича дастлабки скрининг ва чуқурлаштирилган психологик диагностика учун ягона стандартлаштирилган услубиёт ва тестлар тўплами ишлаб чиқилади ва тегишли вазирликларга тақдим этилади;

(б) психологик диагностика Институт томонидан махсус электрон платформада юритилади. Бунда шахсга доир маълумотлар, психологик диагностика ва психологик ёрдам кўрсатилиши натижасида маълум бўлган маълумотларнинг сир сақланиши таъминланади;

(в) таълим ташкилотларининг психологлари Институт томонидан ташкил этиладиган каскадли малака ошириш тизими орқали ўқитилади ҳамда ҳудудлар кесимида **ментор психологлар гуруҳи шакллантирилади**;

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

(г) каскадли малака ошириш курсига ўқитувчи сифатида жалб этилган психологларга ушбу даврда асосий иш жойидаги лавозим маошига нисбатан **20 фоиз миқдорида устама** асосий иш жойининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўланади;

(д) педагог ва ўқувчиларнинг психологик диагностика натижалари сунъий интеллект технологияларини татбиқ қилиш орқали таҳлил қилиниб, ягона стандарт бўйича улар **"психологик барқарор", "психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож"** ва **"фаол психологик қўллаб-қувватлаш зарур"** гуруҳларига ажратилади, бунда:

(i) "психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож" ва **"фаол психологик қўллаб-қувватлаш зарур"** гуруҳларига киритилган педагог ва ўқувчилар билан индивидуал иш-режа бўйича фаолият йўлга қўйилади ҳамда унинг натижалари Институт томонидан мониторинг қилиб борилади;

(ii) "психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож" гуруҳига киритилган педагог ва ўқувчиларга тегишли таълим ташкилотининг психологи бириктирилади;

(iii) "фаол психологик қўллаб-қувватлаш зарур" гуруҳига киритилган педагог ва ўқувчиларга тегишли ҳудуд бўйича ментор психолог бириктирилади;

(iv) ўқув йили давомида психологик барқарорликни таъминлашда юқори кўрсаткичларга эришган 150 нафар ментор психологлар Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 20 баробари миқдорида бир марталик моддий рағбатлантирилади**.

5. Қуйидагилар:

(а) Таълим ва илм-фан вазирлиги – таълим ташкилотларида педагог ва ўқувчиларни психологик диагностикадан ўтказиш йўналишларини белгилайди, психологик диагностика ўтказилишини ташкил этади ҳамда Институт тавсиясига мувофиқ "Келажак соати" дарслари дастурларига ўқувчи ва талабаларнинг психологик билимларини оширишга қаратилган мавзулар киритилишига масъул ҳисобланади;

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

(б) Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази – навбатдаги ўқув йили учун дарсликларни тайёрлашда психологик диагностика натижалари бўйича Институт томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар инобатга олинишини таъминлайди;

(в) Институт – таълим ташкилотлари психологларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ҳар ўқув йили якунида диагностика натижалари таҳлили асосида педагог ва ўқувчиларнинг психологик саломатлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

6. Таълим ташкилотлари **психологик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш** бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) Институт давлат мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касбий ва олий таълим ташкилотлари психологик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим мазмунини шакллантиришга масъул муассаса ҳисобланади;

(б) таълим ташкилотлари психологик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти ўқув-услубий жиҳатдан Институт томонидан мувофиқлаштирилади;

(в) 2027 йил 1 январдан бошлаб Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

(i) тегишли вазирлик ва идораларга ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва касбий таълим муассасалари психологик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш. Бунда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги таълим ташкилотлари психологларининг малакасини ошириш бевосита Институтда, Қорақалпоғистон Республикасида ва бошқа вилоятларда – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларида Институт томонидан ишлаб чиқилган дастурлар асосида амалга оширилади;

(ii) шартнома асосида давлат олий таълим ва нодавлат таълим ташкилотларининг психологик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

(г) таълим ташкилотлари психологик хизмат ходимлари беш йилда камида бир маротаба малакасини ошириши шарт этиб белгиланади.

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

III. Институт фаолиятини ташкил этиш

7. Белгилансинки, Институтнинг илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш мақсадида зарур лабораториялар халқаро стандартлар асосида 2027–2030 йилларда босқичма-босқич ташкил этилади.

Бунда Институтда 2027 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги лабораториялар фаолияти йўлга қўйилади:

(а) асосий фаолият йўналиши қуйидагилардан иборат бўлган **Рақамли психология ва сунъий интеллект лабораторияси:**

(i) рақамли муҳитда инсон хулқ-атвори, рақамли қарамлик (интернет, ўйин, ижтимоий тармоқ), кибербуллинг ва онлайн хавфсизлик масалаларини илмий тадқиқ этиш;

(ii) сунъий интеллект технологияларини психологик диагностика, маслаҳат ва профилактика жараёнларига жорий этишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш;

(iii) виртуал ёрдамчилар асосидаги психологик ёрдам воситаларини яратиш, синовдан ўтказиш ва илмий баҳолаш;

(б) асосий фаолият йўналиши қуйидагилардан иборат бўлган **Таълим психологияси ва психологик хизмат лабораторияси:**

(i) узлуксиз таълим тизимида психологик хизматнинг илмий-назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

(ii) таълим олувчиларда билим олиш мотивацияси, академик стресс, ўзлаштиришдаги қийинчиликлар ва ижтимоий мослашув муаммоларини тадқиқ этиш;

(iii) таълим ташкилотлари психологлари фаолиятининг миллий стандартлари, этика кодекси ва иш юритиш тартибини халқаро андозалар асосида ишлаб чиқиш;

(iv) таълим ташкилотларида психологик хизмат самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва мониторинг тизимини яратиш;

(v) таълим жараёнига замонавий педагогик ва таълим технологияларини жорий этиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

(в) асосий фаолият йўналиши қуйидагилардан иборат бўлган **Психологик саломатлик ва профилактика лабораторияси:**

(i) аҳолининг психологик саломатлик ҳолатини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти услубиёти асосида ўрганиш ва мониторинг қилиш;

(ii) стресс, эмоционал толиқиш, хавотир ва депрессив ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган профилактика дастурларини ишлаб чиқиш;

(iii) суицидал хулқ-атвор профилактикаси бўйича илмий асосланган миллий дастурлар ва эрта аниқлаш механизмларини яратиш;

(iv) инқироз ҳолатларида (табиий офат, фавқулодда вазиятлар) психологик ёрдам ва зарарли одатлар профилактикасининг психологик технологияларини ишлаб чиқиш.

8. Белгилансинки:

(а) Институт илмий-услубий, амалий ва ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга оширувчи давлат илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади;

(б) Институт директори таълим ва илм-фан вазири томонидан, директор ўринбосарлари Институт директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

(в) Институтнинг бошқарув ходимларининг чекланган сони **59** та штат бирлигидан иборат бўлиб, улар:

(i) Низомий Ганжавий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетининг Психология ўқув-илмий маркази тугатилиши муносабати билан унинг **18** та штат бирлиги ҳисобидан;

(ii) Таълим ва илм-фан вазирлиги тизим ташкилотларининг **41** та бошқарув ходимлари штат бирликларини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилади;

(г) Институт тузилмаси Институт директори томонидан Таълим ва илм-фан вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

(д) Институт раҳбар ва илмий ходимларининг лавозим маошлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат илмий дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий муассасалар раҳбар ва илмий

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

ходимларининг базавий лавозим маошларига, бошқа ходимларининг лавозим маошлари эса тегишлича Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг лавозим маошига тенглаштирилади.

Бунда Институт директорига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ходимларга лавозим маошига устама миқдорини мустақил белгилаш ваколати берилади.

9. Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

(а) ҳудудий ментор психологларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказлари ҳамда педагогика йўналишида кадрлар тайёрловчи олий таълим ташкилотлари базасида тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

(б) илмий ташкилотлар, жамғармалар, таълим муассасалари, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан илмий тадқиқотлар ўтказиш учун Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шартномалар тузиш;

(в) суд-психологик ва бошқа турдаги психологик экспертизаларни ўтказиш;

(г) илмий тадқиқотларда иштирок этиш учун хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

(д) Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларнинг хорижий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида малака ошириши ҳамда стажировка ўташи билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни амалга ошириш.

10. Қуйидагилар **Институт фаолиятини молиялаштириш** манбалари этиб белгилансин:

(а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

(б) илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танловлар натижаларига кўра ажратиладиган грантлар;

(в) хўжалик фаолиятидан ҳамда шартнома асосида тадқиқотлар, психологик экспертиза ва таҳлиллар ўтказишдан тушадиган тушумлар;

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

(г) Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳамда Касбий таълим агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;

(д) грантлар ва ҳомийлик хайриялари;

(ж) қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Белгилансинки:

(а) 2026 йилда Институт фаолиятини молиялаштириш ҳамда лабораторияларни ташкил этиш билан боғлиқ Давлат бюджети ҳисобидан харажатлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига бюджетдан ажратилган маблағларни Таълим ва илм-фан вазирлигига қайта тақсимлаш ҳамда Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали амалга оширилади;

(б) 2027 йилдан бошлаб Институт фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағлар Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

12. Институт Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Братислава кўчаси 3-уй манзилидаги бинога оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Қуйидагилар:

(а) Психология илмий-тадқиқот институти **фаолиятининг асосий йўналишлари 1-илова**га мувофиқ;

(б) Психология соҳасида илмий тадқиқотлар ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш таркиби **2-иловага** мувофиқ;

(в) Психология илмий-тадқиқот институтини 2030 йилгача **ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-илова**га мувофиқ;

(г) Узлуксиз таълим тизимида психологик хизматни илмий асосда ривожлантириш ҳамда соҳада илмий-тадқиқот, услубий ва инновацион фаолиятни йўлга қўйиш бўйича **“йўл харитаси” 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

14. Қуйидагилар психология соҳасида илмий тадқиқотлар ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгашнинг вазифалари этиб белгилансин:

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

(а) психология соҳасида илмий тадқиқотлар, кадрлар тайёрлаш ва психологик хизмат кўрсатиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

(б) психологик диагностика тизимини жорий этишда вазирлик ва идоралар ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ташкилий-амалий кўмаклашиш ва мониторинг қилиш;

(в) психологик диагностика натижалари таҳлили ҳамда Институт томонидан ишлаб чиқилган тавсияларни амалиётга жорий этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга тавсиялар киритиш;

(г) таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларнинг психолог кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, қабул параметрлари ва мақсадли кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

15. Таълим ва илм-фан вазирлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб таълим ва илм-фан вазири Э.О.Турдимов белгилансин.

17. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг таълимни ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари О.А. Хакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 октябрдаги ПҚ–379-сон қарорига
1-илова

Психология илмий-тадқиқот институти фаолиятининг асосий йўналишлари

1. Психология соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш.
2. Жамиятда соғлом психологик муҳитни шакллантириш, аҳолининг психологик маданиятини ошириш, ёшларнинг психологик барқарорлиги ва ижтимоий мослашувини таъминлаш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қаратилган илмий асосланган услубиёт ва дастурларни ишлаб чиқиш.
3. Таълим ташкилотларида психологик хизматни такомиллаштириш, психологлар фаолиятининг касбий стандартлари, самарадорлик мезонлари, диагностика ва баҳолаш воситалари ҳамда илмий-услубий таъминоти меъёрларини ишлаб чиқиш.
4. Таълим олувчиларнинг психологик ривожланиши, шахсий имкониятлари ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга қаратилган психологик ҳамроҳлик қилиш моделлари, диагностика ва ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш.
5. Педагог ва тарбиячиларнинг касбий эмоционал ҳолати, руҳий чарчаш ва стресс омилларини ўрганиш, уларнинг психологик соғломлигини сақлаш ва профилактика қилиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.
6. Имконияти чекланган болалар ва ёшларни психологик қўллаб-қувватлашга қаратилган адаптив дастурлар, психокоррекцион ва психореабилитацион услубиётларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тавсия этиш.
7. Интернетга қарамлик, буллинг, кибербуллинг, суицидал хулқ-атвор ва бошқа психологик хавфларнинг олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик дастурлар ҳамда амалий механизмларни ишлаб чиқиш ва тавсия этиш.

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

8. Психология соҳасида сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва замонавий психодиагностика воситаларини жорий этиш бўйича илмий ечимларни ишлаб чиқиш.

9. Психология соҳасида ягона илмий-услубий ёндашувни шакллантириш, илмий-методик материаллар, стандартлар, тавсиялар ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш.

10. Миллий психодиагностик методикалар, психологик тестлар ва баҳолаш инструментларини ишлаб чиқиш, хорижий методикаларни миллий муҳитга адаптация қилиш, уларни психометрик баҳолаш ва стандартлаштириш.

11. Хорижий илмий марказлар, олий таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, илғор хорижий тажрибани миллий амалиётга мослаштириш ҳамда қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш.

12. Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, психология соҳасида илмий мактабларни ривожлантириш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ва илмий тадқиқотлар сифатини ошириш чораларини кўриш.

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 октябрдаги ПҚ–379-сон қарорига
2-илова

Психология соҳасида илмий тадқиқотлар ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш таркиби

Э.Турдимов	–	таълим ва илм-фан вазири, *Идоралараро кенгаш раиси*
Ю.Рисюкова	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими
Б.Абдухалимов	–	Фанлар академияси вице-президенти
А.Худайкулов	–	соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари
О.Пекось	–	рақамли технологиялари вазирининг биринчи ўринбосари
Д.Саттаров	–	ички ишлар вазири ўринбосари
О.Фазилкаримов	–	иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
О.Хасанов	–	Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари
А.Саъдуллаев	–	Ёшлар ишлари агентлиги директори
М.Нурматова	–	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари
У.Бегимкулов	–	Олий таълим тизими кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти директори
А.Исмаилов	–	Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти ректори
Ғ.Шоумаров	–	Профи университети ректори *(келишув асосида)*
Х.Махмудова	–	Ўзбекистон психологлар ассоциацияси раиси
Лавозим бўйича	–	Психология илмий-тадқиқот институти директори, *Идоралараро кенгаш котиби*

Изоҳ. *Идоралараро кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 октябрдаги ПҚ–379-сон қарорига
3-илова

Психология илмий-тадқиқот институтини 2030 йилгача ривожлантиришнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Мақсадли кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
1.	Илмий даражали кадрлар улуши	фоиз	30	35	40	45	50
2.	Фундаментал ва амалий илмий тадқиқот лойиҳалари сони	та	-	2	3	4	5
3.	Амалиётга жорий этилган илмий тадқиқот ишланмалари сони	та	-	2	4	6	8
4.	Илмий-услубий қўлланмалар ва тавсиялар сони	та	5	15	20	25	30
5.	Психодиагностика, психокоррекция ва профилактика дастурлари сони	та	2	4	6	8	10
6.	Малака оширишдан ўтказилган психолог мутахассислар сони	нафар	-	2000	2000	2000	2000
7.	Қайта тайёрланган мутахассислар сони	нафар	-	150	150	150	150
8.	Халқаро ҳамкорлик доирасидаги илмий лойиҳалар сони	та	-	2	2	2	2
9.	“Scopus” ва “Web of Science” базаларида мақолалар сони	та	-	4	6	8	10
10.	Илмий даража олган тадқиқотчилар сони	нафар	3	15	20	25	30

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 октябрдаги ПҚ–379-сон қарорига
4-илова

Узлуксиз таълим тизимида психологик хизматни илмий асосда ривожлантириш ҳамда соҳада илмий-тадқиқот, услубий ва инновацион фаолиятни йўлга қўйиш бўйича "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Институт фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш					
1.	Психология илмий-амалий тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт) фаолиятини ташкил этиш.	1. Маҳаллий ва хорижий юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда Институт уставини ишлаб чиқиш. 2. Институт уставини тасдиқлаш ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.	2026 йил ноябрь 2026 йил декабрь	–	Таълим ва илм-фан вазирлиги, Адлия вазирлиги, Институт
2.	Халқаро дастурлар асосида психология соҳасининг ягона миллий касбий стандарти ва касбий этика қоидаларини ишлаб чиқиш.	1. Халқаро дастурлар асосида психология соҳасининг ягона миллий касбий стандарти ва касбий этика қоидалари таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳни ташкил этиш. 2. Психология соҳасининг ягона миллий стандарти ва касбий этика қоидаларини ишлаб чиқиш. 3. Ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	2026 йил ноябрь 2027 йил март 2027 йил сентябрь	–	Институт, Таълим ва илм-фан вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон психологлар ассоциацияси
3.	Давлат ва нодавлат секторда фаолият юритаётган психология соҳаси мутахассисларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий этиш тартибини тасдиқлаш.	1. Психология соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тартибини тасдиқлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил ноябрь 2026 йил декабрь	–	Институт, Ўзбекистон психологлар ассоциацияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

4.	Таълим ташкилотларида психодиагностика ўтказиш тартибини тасдиқлаш.	1. Таълим ташкилотларида психодиагностика ўтказиш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Таълим ташкилотларида психодиагностика ўтказиш тартибини тасдиқлаш.	2026 йил ноябрь 2026 йил декабрь	–	Таълим ва илм-фан вазирлиги, Институт
II. Илмий ва илмий-педагогик фаолиятни ташкил этиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш					
5.	Институтни психология соҳасида замонавий билим, малака ва кўникмага ҳамда амалий иш тажрибасига эга малакали кадрлар билан тўлдириш.	1. Институтга ходимларни очиқ танлов асосида танлаб олиш бўйича танлов комиссияси таркибини шакллантириш ва танлов ташкил этиш. 2. Очиқ танлов асосида сараланган номзодларни ўрнатилган тартибда ишга қабул қилиш.	2026 йил ноябрь 2026 йил декабрь	–	Таълим ва илм-фан вазирлиги
6.	Институтнинг раҳбар кадрлари, илмий ва илмий-педагог ходимлари хорижий давлатларда стажировка ўташи ва малака оширишини ташкил этиш.	1. Институтнинг раҳбар кадрлари ва илмий ходимларини хорижий университет ва илмий марказларга қисқа муддатли стажировка ва малака оширишга юбориш режа-графигини ишлаб чиқиш. 2. Хорижий ҳамкорлар ва халқаро ташкилотлар ёрдамида Институтнинг раҳбар кадрлари, илмий ва илмий-педагог ходимлари стажировка ўташи ва малака оширишини ташкиллаштириш.	2027 йил январь Ҳар йили тасдиқланган режа-график асосида	Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар	Институт, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Таълим ва илм-фан вазирлиги
7.	Институт ҳузуридаги психология ихтисосликлари бўйича докторантура, таянч докторантура ва мустақил тадқиқотчилик институтларида илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш.	1. Институт талабномаси асосида “Психология тарихи ва назарияси”, “Шахс психологияси”, “Психофизиология”, “Ижтимоий психология. Этнопсихология”, “Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси”, “Махсус психология”, “Клиник психология”, “Дин психологияси”, “Психометрия ва психодиагностика”, “Адаптив ва спорт психологияси”, “Рақамли ва медиапсихология” ихтисосликлари бўйича докторантура, таянч докторантура ва мустақил тадқиқотчилик	2027 йилдан бошлаб босқичма-босқич	Ушбу мақсадлар учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари	Таълим ва илм-фан вазирлиги, Институт

		институтларида илмий-педагог кадрларни тайёрлаш учун квота ажратиш. 2. Квота доирасида қабул жараёнларини амалга ошириш.			
8.	Институт ҳузурида психология ихтисосликлари бўйича илмий кенгашларни ташкил қилиш.	1. Институт ҳузурида ташкил этиладиган илмий кенгашлар таркибини шакллантириш. 2. Олий аттестация комиссиясида илмий кенгашлар таркибини тасдиқлаш. 3. Илмий кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш.	2027 йил март 2027 йил апрель доимий	–	Фанлар академияси, Олий аттестация комиссияси, Институт
9.	Институт илмий ва илмий-педагогик фаолиятига етакчи хорижий таълим ва тадқиқот муассасалари олимлари ва экспертлари ҳамда давлат органлари ва халқаро ташкилотларнинг тажрибали мутахассисларини жалб этиш.	1. Психология соҳасида етакчи хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, давлат органлари ҳамда халқаро ташкилотлар ва экспертлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш. 2. Ҳамкорлик асосида хорижий профессор-ўқитувчилар, олимлар ва экспертларни Институтнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятига жалб этиш. Бунда хорижлик профессор-ўқитувчилар ва экспертлар меҳнатига ҳақ тўлаш улар билан тузиладиган икки томонлама шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.	2026 йил ноябрдан бошлаб доимий	Халқаро молия институтлари, хорижий ва донор ташкилотларнинг грантлари ва маблағлари, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Институт, Ташқи ишлар вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
10.	Илғор хорижий тажриба асосида психология соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-меъёрий ва услубий таъминотни ишлаб чиқиш ва курсларни ташкил этиш.	1. Психология соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш курслари ўқув режалари, ўқув дастурлари ва алоҳида ўқув модулларини ишлаб чиқиш. 2. Ўқув дастури ва модуллар асосида замонавий ўқув-услубий мажмуалар, видеодарслар, интерактив ўқув ресурслари ва бошқа материалларни ишлаб чиқиш ҳамда мунтазам янгилаб бориш.	2027 йилдан бошлаб доимий	Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида, буюртмачи ташкилотлар маблағлари	Институт, Таълим ва илм-фан вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

		3. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида иштирок этиш истагини билдирган талабгорларнинг буюртманомаларини қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш, тингловчилар контингентини шакллантириш ва ўқув гуруҳларини ташкил этиш. 4. Ўқув жараёнини анъанавий, масофавий ва гибрид таълим шаклларида ташкил этиш, тингловчилар билимини баҳолаш ҳамда белгиланган тартибда сертификатлаштириш тизимини жорий этиш. 5. Аҳолининг психологик саводхонлигини ошириш мақсадида оммавий очиқ масофавий ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш.			
III. Соҳани рақамлаштириш, халқаро ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш					
11.	Психологик хизмат кўрсатишни рақамлаштириш ва ягона электрон платформани жорий этиш.	1. Психологик диагностика, мониторинг, маслаҳат бериш, электрон портфолио ва таҳлилий ҳисоботларни юритувчи ягона рақамли платформани ишлаб чиқиш. 2. Рақамли платформани босқичма-босқич таълим муассасаларида жорий этиш.	2027–2028 йиллар	Институтга мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, грант маблағлари, халқаро лойиҳалар	Институт, Рақамли технологиялар вазирлиги, Таълим ва илм-фан вазирлиги
12.	Халқаро молия институтлари, донор ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда қўшма илмий тадқиқотлар ва лойиҳаларни амалга ошириш.	1. Хорижий университетлар, илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда қўшма илмий тадқиқотлар ва лойиҳаларни амалга ошириш. 2. Институт илмий тадқиқотлари учун халқаро грантлар ва донор ташкилотлар маблағларини жалб қилиш, шунингдек, илмий ходимларнинг илмий анжуманларда иштирокини таъминлаш.	2027 йил январдан бошлаб доимий	Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар маблағлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар	Институт, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Инновацион ривожланиш агентилиги

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

		3. Илмий ходимларнинг инновацион, амалий ва фундаментал тадқиқотлар лойиҳалари танловларида иштирок этишини таъминлаш.			
13.	Психологик хизматда ижтимоий ҳамкорлик ва жамоатчилик иштирокини ривожлантириш.	1. Ота-оналар, маҳалла, ННТлар, тиббиёт муассасалари ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда профилактик дастурлар, маърифий тадбирлар ва психологик қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш. 2. Таълим ташкилотларида психологик диагностика ўтказиш, уларга зарур тавсияларни бериш. 3. Таълим дастурларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифларни манфаатдор томонларга етказиш.	2027 йилдан бошлаб келишилган муддатларда	Давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар, ҳомийлик ва грант маблағлари	Таълим ва илм-фан вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, маҳаллий ҳокимликлар, фуқаролик жамияти институтлари
14.	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар буюртмалари асосида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш ҳамда илмий-услубий ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш.	1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг буюртмалари асосида мақсадли илмий-амалий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш. 2. Илмий-амалий тадқиқотлар натижалари асосида буюртмачи ташкилотларга илмий-услубий ва консультатив хизматлар кўрсатиш. 3. Буюртмачи ташкилотларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда психология соҳаси бўйича ўқув курслари, семинарлар ва тренингларни ташкил этиш.	2027 йилдан бошлаб доимий	Буюртмачиларнинг маблағлари доирасида	Институт, Бошқарув самарадорлиги агентлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
15.	Илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ва оммалаштириш.	1. Институт ҳузурида “Ўзбекистон психологияси” электрон илмий журналини ташкил этиш. 2. Психология соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини нашр этиш, Институт илмий журнали халқаро нуфузини ошириш ҳамда хорижий илмий журналлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.	2027 йил май Доимий	Институтга мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар	Институт, Таълим ва илм-фан вазирлиги, Фанлар академияси

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

IV. Институтнинг инфратузилмаси ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш					
16.	Институтнинг моддий-техника базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш.	1. Институтнинг штат бирликлари ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, хизмат хоналарини ажратиш ҳамда уларни таъмирлаш. 2. Институтни замонавий компьютер ва ташкилий техника, мебель жиҳозлари ҳамда бошқа зарур асбоб-ускуналар ва анжомлар билан таъминлаш. 3. Ички ахборот телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш. 4. Институтга хизмат автотранспорт воситаларини ажратиш.	2027 йил март 2027 йилдан бошлаб 2026 йил декабрь	Институтга мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия ташкилотлари маблағлари	Таълим ва илм-фан вазирлиги, Институт
17.	Институтнинг амалий ва рақамли таълим инфратузилмасини ривожлантириш.	1. Ўқув аудиториялари, амалий психология, психологик диагностика ва консалтинг хоналари ҳамда тренинг залларини ташкил этиш ва уларни замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш. 2. Хона ва заллардан фойдаланган ҳолда масофавий ва мустақил таълим учун электрон ўқув материаллари ҳамда мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш.	2027 йил март 2027 йилдан бошлаб доимий	Институтга мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия ташкилотлари маблағлари	Таълим ва илм-фан вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Институт
18.	2030 йилгача институтнинг замонавий лабораториялари ва марказларини босқичма-босқич жиҳозлаш.	1. Замонавий лаборатория ва махсус ускуналарга қўйиладиган техник талабларни ишлаб чиқиш, зарур жиҳозлар рўйхатини шакллантириш. 2. Белгиланган молиялаштириш манбалари доирасида жиҳозларни харид қилиш ва лаборатория ҳамда марказларни босқичма-босқич жиҳозлаш.	2027 йил 1 мартга қадар 2027–2030 йиллар давомида	Институтга мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия ташкилотлари маблағлари	Таълим ва илм-фан вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Институт

V. Психологик хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш ва аҳолининг психологик саводхонлигини ошириш					
19.	Психологик хизмат кўрсатиш соҳасида ягона илмий-услубий мактабни шакллантириш ҳамда давлат ва нодавлат сектор психологларининг касбий ривожланиш тизимини жорий этиш.	1. Психология соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Давлат таълим талаблари асосида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув режалари, ўқув дастурлари ҳамда баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Психологларнинг касбий компетенцияларини баҳолаш ва аккредитация қилишнинг ягона мезонлари, баҳолаш воситалари ҳамда электрон портфолио тизимини жорий этиш. 4. Психологик диагностика, психокоррекция, психопрофилактика ва психологик маслаҳат хизматлари бўйича миллий стандартлар ва касбий этика қоидаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.	2026 йил декабрь 2026 йил декабрь 2027 йил июнь 2027 йилдан бошлаб	–	Институт, Таълим ва илм-фан вазирлиги
20.	Таълим ташкилоти, оила ва психолог ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ягона тартибини жорий этиш.	1. Таълим ташкилоти, оила ва психолог ўртасидаги ҳамкорлик тартибини белгиловчи регламентни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш. 2. Мактаб психологлари учун ота-оналар билан ишлаш бўйича мажбурий ўқув модулини жорий этиш ҳамда ота-оналарнинг психологик саводхонлигини оширишга қаратилган мунтазам психологик-маърифий тадбирларни ташкил этиш.	2027 йил сентябрь 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	Иштирокчиларнинг маблағлари	Таълим ва илм-фан вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
21.	Сунъий интеллект технологиялари асосида психологик хизматнинг ягона электрон платформасини жорий этиш ҳамда психологик	1. Таълим ташкилотлари ва аккредитацияланган психологлар фаолиятига оид анонимлаштирилган статистик маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва хавф омилларини эрта аниқлаш имконини берувчи	2027 йил сентябрь	Иштирокчиларнинг маблағлари	Институт, Рақамли технологиялар вазирлиги, Таълим ва илм-фан вазирлиги,

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

	муҳитнинг миллий мониторинг тизимини шакллантириш.	ягона электрон платформани ишлаб чиқиш ва жорий этиш. 2. Ягона электрон платформа асосида республика ва ҳудудлар кесимида психологик муҳитнинг доимий мониторингини ташкил этиш, ҳар йили “Ўзбекистон ёшлари психологик саломатлиги” миллий мониторингини ўтказиш. 3. Электрон платформа орқали хавф гуруҳига кирувчи болалар ва оилаларни эрта аниқлаш, уларга манзилли психологик хизмат кўрсатиш ҳамда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларини жорий этиш.	2027 йил октябрдан бошлаб доимий 2027 йил ноябрдан бошлаб		Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
22.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун психологик хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда уларни давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш механизмларини жорий этиш.	1. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига психологик хизмат кўрсатиш учун давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат психологлар ва бошқа ташкилотларни жалб қилиш тартибини жорий этиш. 2. Психологик хизматларни ваучер (сертификат) асосида молиялаштириш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш. 3. Давлат ва нодавлат секторда психологик хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг ягона реестрини шакллантириш ҳамда аҳоли учун улар ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини яратиш. 4. Психологик хизматларни кўрсатиш сифати, самарадорлиги ва давлат маблағларидан фойдаланиш натижадорлигини баҳолаш ҳамда мониторинг қилиш тизимини жорий этиш.	2027 йил август 2027 йил сентябрь 2027 йил октябрь ойидан бошлаб 2027 йил декабрь ойидан бошлаб	Иштирокчиларнинг маблағлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар	Институт, Таълим ва илм-фан вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси

QMMB: 07/26/379/1052-son
21.10.2026-y.

23.	Ёшлар психологиясига оид илмий тадқиқотлар натижаларини оммалаштириш ва аҳолига етказишнинг замонавий механизмларини жорий этиш.	1. Ёшлар психологиясига оид илмий тадқиқотлар натижалари асосида илмий-услубий тавсияларни ишлаб чиқиш. 2. Илмий-услубий тавсиялар асосида подкастлар, видеоконтентлар ва бошқа медиамаҳсулотларни тайёрлаш ҳамда уларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиш.	2027 йил июнь 2027 йил сентябрь	Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлар, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Институт, Ёшлар ишлари агентлиги

